

# **“Наврӯз”байрами тарихи ва аҳамияти: “Наврӯз” мавзусидаги рангтасвир асарлари таҳлили**

К. Беҳзод номидаги МРДИ

Рангтасвир (дастгохли) магистратура мутахассислиги

2-курс, Ваҳобжонов Бобур

## **Аннотация**

Ушбу мақолада “Наврӯз” байрами тарихи унинг ёш авлод тарбиясида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, “Наврӯз” мавзусидаги рангтасвир асарлари таҳлили келтирилади.

## **Аннотация**

В данной статье освещается роль национального праздника «Навруз» в воспитании подрастающего поколения и дается анализ художественных произведений на тему «Навруз».

## **Annotation**

This article highlights the role of the national holiday "Navruz" in educating the younger generation and provides an analysis of works of art on the theme "Navruz".

**Калит сўзлар:** “Наврӯз” байрами, миллий урф-одатлар, Аслиддин Исаев, Юрий Черняшев

**Ключевые слова:** Национальный праздник «Навруз», национальные традиции, Аслиддин Исаев, Юрий Черняшев

**Key words:** National holiday "Navruz", national traditions, AsliddinIsaev, Yuri Chernyashov

Хар бир тараққий этган, маданиятли халқнинг ўз тили, урф одати, адабиёти, асари атиқалари, анъанавий моддий ва маънавий бойликлари бўлади. Ўзбек халқи хам дунёдаги энг қадимий маданиятга эга бўлган халқлардан бири сифатида ўзининг маънавий ва моддий хазинасига эга. Ўтмиш авлодларимиздан бизга қадимий урф-одатлар, тантаналар,

халқона мерос бўлиб авлоддан-авлодга ўтиб келган. бу билан биз хақли равища фахрлансак арзийди. Хар бир халқ ана шу удумлар, урф-одат, ўтмишга чуқур томир отиб кетган ўқ илдизлари билан жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин тутади<sup>1</sup>.

Одамзод онгли хаёт кечира бошлагандан буён вужудга келган урф-одату маросимлар, удум ва анъаналарни хисоблаб чикиш кийин. Миллий урфодат ва анъаналарда бутун бир халкнинг ижтимоий эхтиёжлари, ахлок нормалари, манфаатлари, амалий тажрибалари ва тарихий яшаш шароитлари ўзига хос равища мужассамланган булади. Улар халкнинг фаолияти жараёнида туғилади, хар бир халк бу тун тарихи давомида яшаш шароитининг характеристери ва хусусиятларидан келиб чиккан холда кишилар уртасидаги муносабатларнинг маълум нормада йул-йурикларини яратади. Бу норма ва йул-йуриклар авлоддан-авлодга утиш билан такрорланиб, урф-одатлар ва анъаналарга айланиб колади<sup>2</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қадим қадриятларимиз ажралмас бир бўлаги, урф-одатларимиз маржон шодасини бирдек мужасамлаштирувчи янгиланиш, яшариш байрами “Наврӯз”, неча асрлар давомида минг йилликлар тарихини аждод-у авлодларимиз шуурига сингдириб, халқимиз маънавий-маданий турмуш тарзи ва ҳаётини бойитиб келмоқда.

Наврӯз Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қадими, анъанавий янги йил байрами. Наврӯз байрами Ўрта Осиёда ислом дини қабул қилинмасдан анча илгарироқ мавжуд бўлган. Наврӯз байрами ҳақида Абу Райхон Берунийнинг «Китоб ат тақвим» («Тушунтириш») ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида маълумот берилади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луготит турк» асарида

<sup>1</sup>Махмуд Саттор “Ўзбекудумлари” “Фан” нашриёти - 1993йил

<sup>2</sup>Х.Алимов «Миллийлик ва ижтимоий рухият» Т. 1992 й

баҳорга ва Наврӯз байрамига бағишланган халқ лирик қўшиқларидан намуналар учрайди. Умар Хайёмнинг «Наврӯзнома» китобида Наврӯз байрами ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар келиши йил боши ҳисобланган. Бу эски қуёш йили ҳисобида фарвардин ойининг аввалига (22 март) – кеча билан кундузнинг узая бошлиши, табиатда жонланиш, баҳорнинг бошланиш даврига тўғри келади. Буни кичик Наврӯз байрами ёки оммавий Наврӯз байрами дейилган. Фарвардиннинг олтинчи куни эса катта Наврӯз байрами ёки маҳсус (хусусий) Наврӯз байрами деб аталган. Анъанага қўра, кичик Наврӯз байрамдан бошлаб ҳамма нарса амалга киради деб ҳисоблашган.

Наврӯз байрамини пайдо бўлишини бизгача етиб келмаган қадимий паҳлавий китоблардаги маълумотлар асосида Абулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида ярим афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. «Жамшид темир эритиб қурол ясашни, ип йигириб, тўқиб, кийим тикишни, уй, ҳаммомлар қуришни ихтиро қилади, сўнг кишиларни ўз қобилияти ва ҳунарига қараб гуруҳ-табақаларга ажратади. Ниҳоят, бир куни бир тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилади, бу фарвардиннинг биринчи куни эди. Ҳамма жуда баҳтиёр, ғаму-андухни унутиб, шу куни барча Жамшидни табриклайди ва байрам янги йил боши бўлиб анъанага айланиб қолади».

Тарихий манбаларга қараганда, Наврӯз байрамини ўтказиш ахмонийлар давридан бошлаб анъанага айланиб қолган ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрам ҳисобланган. Бу ўлкаларга ислом дини киритилган пайтда Наврӯз байрами таъқиқланган. Аммо подшо саройларида расмий сифатда байрам этилмаса-да, халқ ўз севган байрамини давом эттирган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва Эрон халқлари араб халифалиги ҳукмронлигидан қутилган давр (9-10 асрлар)дан бошлаб Наврӯз байрамини ўтказиш яна расмий тус олган. Абу Райхон Беруний «Ёдгорликлар» китобида маълумот

беришича, байрам фарвардиннинг олтинчи куни, яъни катта Наврӯзга қадар давом этган. Сосоний подшолари 6 кунда 6 тоифа халқни қабул этганлар ва тортиқлар улашганлар. Наврӯз байрами куни маҳбусларни озод қилиш анъанаси ҳам бўлган. Умар Хайёмнинг «Наврӯзнома» китобида ёзишича, Наврӯз байрамини ўтказишнинг шохлар учун маҳсус тартиб қоидаси бўлган. Уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келиш, мархумлар қабрларини зиёрат қилиш кабилар оддий халқ орасида ҳам одат тусига кириб қолган. Тожик ва Эрон халқарида Наврӯз байрами дастурхонига номи «С» ҳарфидан бошланадиган етти хил овқат қўйиши («Хафтсин») одати бор. Бошқа халқлар сингари, ўзбеклар ҳам бу кунни қадим замонлардан буён янги йилнинг бошланиши деб қувонч билан қарши олганлар. Наврӯз байрамининг бошланишидан бир неча кун илгари тайёргарлик кўрилган. Одатда Наврӯз байрамидан 15 кун олдин буғдой ёки арпани ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан Наврӯз байрами кунлари сумалак қилинган. Ёшлар Наврӯз байрамини кечаси билан ухламасдан эртак ва ҳикоялар айтишиб, ўйин-кулгу билан кутиб олишган. Наврӯз байрамининг биринчи куни отчопар, улоқ, кураш сингари ўйинлар, сайил ўтказилган. Ёшлар баҳор ҳақида қўшиқ айтганлар. Агар Наврӯз байрами арафасида бирор киши вафот этган бўлса, дафн этиш кечиктирилган. Наврӯз байрамида мотам маросимлари ўтказилмаган.

Наврӯз байрамида кўкат чучвараси, ялпиз сомса каби янги таомлар пиширилган. Наврӯз байрами халқ ўртасида баҳор байрами бўлиб қолмоқда. Наврӯз байрами 70-йиллардан бошлаб Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида анъанавий тарзда кенг нишонланмоқда. Яқин Шарқ мамлакатларида Наврӯз байрами расмий янги йил байрами ва йил боши ҳисобланади<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup>«Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Ташкент-2019.

Бугунги кунда муҳтарам президентимиз ва ҳукуматимиз ташаббуслари билан, тарихимизни ўрганиш, миллий урф-одат, анъаналиримизни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш. Миллий байрамларимиз аҳамиятини улар онгига сингдириш масалалари бўйича кўплаб чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу олиб борилаётган маърифатпарварлик ишларига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган жонкуярлар қаторида Ўзбекистон балки чет давлатларда ҳам ўз яратган санъат намуналари билан кўплаб инсонлар қалбига кириб бора олган рассомларнинг хам борлиги кўнгилини қувонтиради. Ўз асарларида миллий урф-одат, анъаналаримизни куйга солаётган ижодкорларимиз нафақат ўсиб келаётган ёш авлод рухиятига ижобий таъсир этиб қолмасдан, маъданий ҳаётимиз сарчашмалари бўлган миллий байрам, маросимларимиз довруғини бутун жаҳонга танитишмоқда. Шундай рассомлардан бири таниқли рассом Аслиддин Исаевдир. Унинг триптих шаклида абстракционизм услубида яратилган “Наврӯз” асари қадимий байрамимиз, урф-одатларимизнинг янгича миллий руҳдаги талқинидир. Асадаги ранглар жозибаси ва янгича моҳирона ёндошув, “Наврӯз” байрамининг нақадар мафтункор ва тарихан бой эканлигидан далолат беради.

“Наврӯз” байрами серқирра ижодкорларимиз ишларида доимо турли рангларда турфаланади. Жумладан, Юрий Черняшевнинг “Наврӯз” асари унинг фаолиятида муайян ижодий давринг якуни бўлди. Чирчиқ тоғлари узоқ йиллар мобойнида баҳор манзараларига бағишлиб яратилган кўпгина асарларининг сарчашмаси бўлган. Ушбу ижодий асарнинг бош ғояси – баҳор байрами, “Наврӯз” ер юзида ҳаётнинг, барча тирик жонзотнинг уйғониши рамзиdir. Композиция марказида сумалак пишираётган аёллар образи. Улар қозон атрофида ўтирад эканлар, гўёки қуёш атрофидаги маржон шодасини эслатадилар. Совуқ ранг – кўк ҳамда илиқ-сариқ ранг “тўқнашуви”, рангтасвирнинг

майин баҳорий ривожланиши билан кўкламнинг шоирона образини намоён этади<sup>4</sup>.

Бугунги кун ўзбек рангтасвирида долзарб вазифлардан бири шу кунгача миллий анъаналаримизга бўлган қизиқиши ҳамда эътиборни орттириш руҳида таниқли рассомларимиз томонидан яратилган ижодий ишларини ўрганиб чиқиб, уларни таҳлил қилган холда, янги ғоя ва фикрлар, ранглар билан бойитилган асарларни янада кўпроқ яратиш ва шу орқали қадим қадриятларимизни нафақат ўзбек ёшлари ва халқи орасида, балки бутун жаҳон миқёсида тарғиб этишдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Махмуд Саттор “Ўзбек удумлари” “Фан” нашриёти – 1993 йил
2. Х.Алимов «Миллийлик ва ижтимоий рухият» Т. 1992 й
3. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Тошкент-2019.
4. Ижодимиз ҳақида гапирсак.. 2006 йил 45-76 бб
5. Рахим Ахмедов “Yozuvchi” нашриёти 2001й

---

<sup>4</sup>Ижодимиз ҳақида гапирсак. 2006 йил ст 45-76